

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

ЖАҲОН ТАРИХИНинг ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ

БУХОРО – 2021

зинапоялар бор. Сарой турли хил безаклар, ёғочдан ясалган устунлар, верандалар ва чиройли балкончалардан иборат. Бу ерда аёлларнинг асосий ҳарами, гумбазли хоналар, ҳаммомлар, фавворалар ва ички ҳовли атрофида дабдабали субтропик боғлар ҳам мавжуд. Аммо лабиринт каридорлар шу даражада чалкаш эдики тасвирлаш имконсиз. У ерда яна бир хона бўлиб, турли хил коллекциялар бўйинтуморлар, қўғирчоқлар билан безатилган. Бу сарой Эски Бухородан Янги Бухорога бориш йўлининг ғарбий қисмида жойлашган. Шарқий қисмда отхона, хизматкорлар турар жойи бор⁶⁹ , - деб ёзади.

Хулоса қилиб айтганда, Оле Олуфсен Бухоро ва унинг тарихий шаҳарлар ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар ёзиб қолдирди. У Бухоро амирларининг саройларни Куйи Ҳовли, Қоплон, Ширбудун, Қори саройларини кўриб, ўз эсдаликларида ёзди. Оле Олуфсен саройларнинг қурилиши, дизайнни ва табиати тўғрисида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирди. Бу иншоотлар манғит ҳукмдорларининг шаҳарсозлик ва бунёдкорлик ишларининг маҳсули бўлиш билан бирга халқимизнинг меъморчилик билимдони бўлганлигини эркин ифода этади.

БУХОРО МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАРИХШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Бобоҷонова Феруза

БухДУ тарих фанлари номзоди, доц

Бугунги тарихни нафақат ўрганиш, балки уни илмий жиҳатдан асосланган ҳолда, тарихий жараёнларнинг моҳиятини очиб бериш тарихчилар олдида турган энг долзарб вазифадир. Бухоро мадрасалари тарихини ўрганиш бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин юртимиз, халқимиз тарихини чукур ўрганиш, уни илмий асосда ҳаққоний тадқиқ этиш, қадимий манбаларни холислик билан асл ҳолида тиклаш, мадрасалар тарихини

⁶⁹ O.Olufsen The Emir of Bokhara and his country ; Journeys and studies in Bokhara (With a chapter on my voyage on the Amu darya to Khiva)// Gyldendalske Boghanel, Nordisk Forlag Copenhagen London: William Heinemann 1911 P- 558-559.

ўрганиш республикамиз маданий, маънавий ҳаётидаги асосий масалалардан бирига айланди. Мустақиллик шарофати ила тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўтмишимизни илмий, холисона тарзда баён қилиш замон талабига айланди.

Бухоро мадрасалари таълим тизимининг энг юқори босқичи бўлиб, илм маскани сифатида нафақат Туркистон минтақасида, балки барча мусулмон мамлакатларида маданият ўчоқлари вазифасини ўтаб, маърифат маркази бўлганлигидан далолат беради. Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машхур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги фикрлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг фикрларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган. Мадрасаларимизда диний ва дунёвий илмларни чуқур ўргатиш натижасида диний маърифатимиз янада юксак даражада шаклланди. Ислом дини жамият маърифати учун улкан аҳамиятга эгадир. Шубҳасиз ҳозирги замонда ислом маърифати инсонларни ҳалол-покиза, имон-эътиқодли, адолатли, инсоф-диёнатли, меҳнатсевар, меҳр-муруватли, раҳм-шафқатли, маърифатли, ватанпарвар бўлишга, инсонга, ота-онага, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қарашга чорлайди. Мадрасалар тарихини ўрганиш ёш авлодни илмли, зиёли ватанига, эл-юртига фидойи руҳда тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мавжуд мадрасалар, яъни ўқув юртлари сон жиҳатдан, ўқишни истаган барча ёшларнинг билим олиш эҳтиёжини қондириши учун етарли эди. Мадрасалар талабаларнинг маънавий қиёғасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб, уларда ҳалқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, урф-одат, ахлоқ-одоб меъёрлари, тарихий-миллий қадриятларини сақлаб қолишга, уларни камтар, хушмуомалали, ростгўй, олижаноб, сабр-тоқатли, ҳалол қилиб тарбиялашга ёрдам берган.

Мустақиллик йилларида Бухоро мадрасалари тарихини ўрганиш долзарб масаларидан бирига айланди. Бу даврга келиб мадрасалар ҳақида мақолалар,

рисолалар, монографиялар ва адабиётлар нашр этилди. Бухоро мадрасалари ҳақида тадқиқотлар олиб борилди. Мустақиллик йилларига келиб ҳурфикрлилик, хукмрон мафкура тазийкларидан халос бўлиш, илгари махфий тутилган тарихий манбалардан фойдаланиш имкони тарихий ҳақиқатни тиклашда муҳим роль ўйнади. Бу даврда ўрганилаётган масаланинг моҳияти, мазмунига янгича ёндашувлар шаклланиб, уни холисона баҳолаш долзарб ахамият касб эта бошлади.

Ушбу давр тадқиқотчилари қаторига Алимова⁷⁰, Р.Х.Каримов⁷¹ кабиларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, Д.А.Алимова ўз мақоласида мадраса масалалариға тўхталиб, таълимнинг маданий ҳаётдаги мавқеини аниқ фактлар асосида очиб берган.

Тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, мустақиллик даврида ҳам анъанавий таълим тизими масалалариға турлича ёндашувлар шаклланди. Аммо айни пайтда анъанавий таълимни фақатгина ижобий баҳолаб, муаммоларни қайд этмаслик ёки атайин эътиборсиз қолдириш тенденциялари ҳам пайдо бўлди. Хусусан, Э.Арифджанов, Г.Солижонова ва Р.Шамсутдинов тадқиқотларида мадрасалар тизимидағи муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатлари чуқур таҳлил этилмай, уларнинг фаолияти бутунлай ижобий баҳоланди. Н.Йўлдошев мақоласида эса мадрасалар фаолияти таълим тизими муаммолари тўғрисида бир қатор муҳим маълумотлар келтирилган ҳолда, улар бутунлай салбий баҳоланганди.

Бу даврда Э.Арифджанов⁷², С.Болтабоев⁷³, Ш. Воҳидов⁷⁴, Н. Гафаров⁷⁵, Р.Шамсутдинов⁷⁶ Н. Йўлдошев⁷⁷, З.Муқимов⁷⁸, А. Саидов⁷⁹, Г.Солижонова⁸⁰

⁷⁰ Алимова Д.Бухара конца XIX – начало XX века. И зарождение джадидизма // Общественные науки в Узбекистане. 1997. – № 9-10-11. – С.92.

⁷¹ Каримов Р.Х. XIX аср охири – XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт. Бухоро тарих сахифалари. Мақолалар тўплами. – Бухоро, 1999. – 182 б.

⁷² Арифджанов Э.Қ. XX аср бошларида Бухоро маданияти: ҳақиқат ва афсоналар. – Тошкент: Ўз Р. ИИВ Академияси, 1998. – 101 б.

⁷³ Болтабоев С. Туркистанда вақф мулклари тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). – Наманган: Нашриётсиз, 2005. – 54 б.

⁷⁴ Воҳидов Ш. Қўйон хонлиги ва Бухоро амирлигига унвон ва мансаблар.–Тошкент: Нашриётсиз, 1996.– 26 б.

⁷⁵ Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. – Худжанд: Госиздат, 2000. – 176 с.

қаламига мансуб тадқиқотларда Бухоро амирлигидаги мадрасалар фаолияти ҳамда таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳаракатлари ўзининг холисона баҳосини олди, кўплаб янги маълумотлар илмий муомалага киритилди.

Хусусан, **Ж.Абдусатторнинг** тадқиқотларида IX–XX аср бошлари оралиғи Бухоро шаҳри ва туманларида мавжуд бўлган олий ўқув юртлари тарихи масалаларини очиб берувчи қимматли маълумотлар қайд этилади⁸¹. Л.Асророванинг тадқиқотларида Бухоро амирлиги даврида мадрасалар, уларнинг ўқув тизими, талабалар ҳамда мударрислар фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади⁸².

Хорижий тарихшуносликда Бухоро амирлигидаги мадрасалар масалалари га Боймирза Ҳайит, Мехмет Сарайтурк тилидаги асарларида, немис олимаси Анке Фон Кюгельген, француз тадқиқотчиси Элен Каррер д`Энкаус, итальян тарихчиси Паоло Сартори асарларида, американлик олим Эдвард Олворт ва Адиг Ҳалид, немис шарқшуноси У.Алворе асарларида эътибор қаратилган⁸³.

Мазкур тадқиқотларда Бухоро амирлигидаги таълим тизими ислом дини ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ тарзда, маълум бир даврий чегараларда, умумий тарзда, қисман таърифланган бўлиб, масаланинг моҳияти яхлит, атрофлича ва маҳсус ўрганилмаган.

⁷⁶Шамсутдинов Р., Расулов Б.Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири XX аср бошлари). – Андикон: Андикон давлат университети, 1995. – 152 б.

⁷⁷Йўлдошев Н. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” (Қутқарув йўли) асаридан муҳтасар фасллар. – Бухоро, 1996. – 77 б.7.46, Йўлдошев Н. Матбаа ва матбуот тарихидан // Бухоро ҳақиқати. 1990.– 15 август, Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. 1991. №4-6.– Б. 20-21.

⁷⁸Муқимов З. Моварауннаҳрда фикҳ мактаби. – Самарқанд: Заرافшон, 1997. – 102 б.

⁷⁹Сайдов А.Х. Бухоро ва Хива фикҳ мактаблари анъаналари тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №7-8. – Б 50-51.

⁸⁰Солижонова Г. Мадраса / Ўзбекистон миллий энциклопедияси.– Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. 5-жилд –Б. 376-377.

⁸¹Жуманазар, Абдусаттор Бухоро таълим тизими тарихи 2017. Тошкент: Akademnashr, 2017. – 592 б.

⁸²АсророваЛобар Қобилжон қизи Бухоро мадрасалари тарихидан. Тошкент.: «Hilol-Nashr» 2017. - 224 б.

⁸³ Baymirza Hayit. Sovyetler Birliginde'ki Turklugun ve islamin bazi meseleleri / Turk dunyasi arastirmalari vakfi. – Istanbul, 1987. – 260 s.; Allworth E. Turkestan. – Kold, 1987. – P. 95-96.; Мехмет Сарай. Турк дунёсида маориф ислоҳоти ва ғаспирали Ислом. Анқара, 1987 – Б.49; Ahlwardt W. Verzeichniss der Arabischen Handschriften. B.VI. – Berlin, 1992. – S.498-509; Элен Каррер д`Энкаус. Яширин жамиятлар даври (1910-1914) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. – №1-2. – Б. 60-65; Khalid A. The politics of Muslim cultural reforms: Jadidism in Central Asia. – Berkeley, 1998. – 335 р.; Paolo Sartori. Altro Che seta. Corano e progresso in Turkestan (1865-1917). – Prato, 2003. – 158 р.; Анке Фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С.516.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар таҳлилиниң кўрсатишича, XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги анъанавий таълим тизими муаммолари ҳозирга қадар махсус тадқиқот обьекти сифатида комплекс, босқичма – босқич ва чуқур таҳлил этилмаган, мазкур соҳадаги ҳолат, унга таъсир этган омиллар хамда қолоқлик сабаблари, ўқитиш услуби каби масалалар чуқур ёритилмаган, тегишли манбалар илмий истеъмолга тўла киритилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Бухоро мадрасалари тарихи мустақиллик йилларида ўрганилиши муаммолари ўзига хос хусусияларга эга бўлиб, янги тарихий манбаларни тадқиқ қилиш натижасида мадраса масалалалари моҳияти яхлит, атрофлича ва махсус ўрганилади. Бухоро амирлигидаги мадрасаларнинг тўлик ўрганилишиёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантиришда муҳим роль ўйнайди вайлм чўққиларини эгаллаётган ёшларни ҳар томонлама камол топишига ёрдам беради. Зеро ёшларимизнинг қалби ва онгода миллий ва умуммиллий қадриятларга хурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришимиз, ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугланган миллатнинг келажаги йўқлигини уқтириш энгдолзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Тарихни ўрганиш, тарихнинг бир қисми бўлган мадрасалар, обидаларни таъмирлаш бундан кейин ҳам давом этади, тарихнинг келажак пойдевори сифатидаги мавқеи ошаверади.

ПО ПУТИ К РЕФОРМАМ МУЗЕЙНОГО ДЕЛА В УЗБЕКИСТАНЕ

Болтаев Бобур

БухГУ, преподаватель кафедры

История Бухары

Неоценима роль памятников истории и культуры, музеев в восстановлении, развитии духовности, которая обладает очень большой, мощной силой, погружая ее в общественное сознание людей. На самом деле об этом свидетельствуют более четырех тысяч культурно-исторических памятников в нашем регионе. Узбекистан имеет множество уникальных традиций мировой культуры. Широко отмечалось 2500-летие древних городов

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Абдуллаев Диёржон. Жаҳон цивилизацияси ҳамда Марказий Осиё халқлари ҳётида мукофотлаш анъанаси, тарихий босқичлари ва уларнинг аҳамияти.....	5
Абдурасулов Шохрух. Ислом цивилизацияси ва Тошкент олимлари....	11
Азимов Хуршид. Қадимги Хитой манбаларида Марказий Осиё атамаси ва унинг таҳлили.....	15
Айматова Зарнигор. Ўрта Осиё мусулмонларнинг ҳаж зиёрати йўналишлари тарихидан (XIX аср охири XX аср бошларида).....	18
Акрамов Достон. Совет ҳокимиётининг “маданий инқилоби” ва унинг Ўзбекистон илмий ҳётига таъсири.....	22
Аҳмадов Олимжон. Бухорда янги усул мактаблари фаолияти.....	26
Аҳмадов Хуршид. Осиё халқларида металсозлик ва унинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти.....	31
Аҳмадов Ҳумоюн. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг Буюк Британия билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши.....	35
Бақоев Умиджон.Оле Олуфсен тадқиқотларида Бухоро амирларининг саройлари.....	39
Бобожонова Феруза. Бухоро мадрасалари тарихининг мустақиллик йилларида тарихшунослик масалалари.....	43
Болтаев Бобур. По пути к реформам музеиного дела в Узбекистане	47
Дармонова Машхура. Тошкент шаҳар марказий давлат архивидаги ижтимоий-маданий ҳётга оид жамғармалар таҳлили.....	52
Джураев Шодмон, Муртазоев Шахоб. Некоторые черты развития современной философии.....	56
Жамолова Дилноза. Домла Икромнинг “Машҳур бидъатлар баёни” асарида Бухоро жамиятидаги муаммолар таҳлили	60
Жамолова Мафтуна. Абдурауф Фитратнинг жадидчилик ғоялари.....	67